

<https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1088>

DEVELOPING STUDENTS 'CREATIVE ABILITIES THROUGH TEACHING "LANDSCAPE COLOR PICTURE" IN HIGHER EDUCATION SYSTEM

Жаббаров Рустам Равшанович

Низомий номидаги ТДПУ

Тасвирий санъат кафедраси катта ўқитувчиси

rustam.jabbarov.82@inbox.ru

+99899 832-95-70

Аннотация. Ушбу илмий мақола «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» таълим йўналиши талабалари ва оқитувчилари учун моължалланган боълиб, унда тасвирий санъат манзара жанрида боъёқда ишлашнинг мақсад ва вазифалари, тасвирий санъатни оқитишнинг педагогик маҳорати каби масалалар оъз аксини топган.

Калит сўзлар: Мойбўёқ, рангтасвир, картина, мастехин, лессировка, алла прима, палитра, блик, грунт, эскиз, акварел, услуб, композитсия, ахроматик, Ранг колорити, жанр, гармония, витраж, багет, натюрморт, тўйинганлик бўёқ, образ, рефлекс, ёруғлик, ритм, сояёруғ, рассом, форма, ёруғлик, чизик, персонаж, абстракт, фактура, монументал, бюст, пластик.

Аннотация. Данная научная статья предназначена для студентов и преподавателей направления образования "Изобразительное искусство и инженерная графика", в которой отражены такие вопросы, как цели и задачи работы в живописи в жанре изобразительного искусства Пейзаж, педагогическое мастерство преподавания изобразительного искусства.



Ключевые слова: водяной знак, живопись, картина, мастексин, лессировка, алла прима, палитра, блик, грунт, эскиз, акварель, стиль, композиция, ахроматика, колорит, жанр, гармония, витраж, багет, натюрморт, насыщенность краски, образ, рефлекс, свет, ритм, затенение, художник, форма, свет, линия, персонаж, абстракция, фактура, монументальность, бюст, пластика.

Abstract. This scientific article is intended for students and teachers of the field of education "Fine Art and engineering graphics", which reflects such issues as the goals and objectives of working in painting in the genre of fine art Landscape, pedagogical skills of teaching fine art.

Keywords: watermark, painting, painting, mastexin, lessirovka, alla prima, palette, glare, ground, sketch, watercolor, style, composition, achromatics, color, genre, harmony, stained glass, baguette, still life, color saturation, image, reflex, light, rhythm, shading, artist, form, light, line, character, abstraction, texture, monumentality, bust, plastic.

Албатта биз мустақил фикрлайдиган замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга ошироқдамиз .

Бугунги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. “Рангтасвир” фани бўйича тузилган намунавий дастур ДТС талаблари асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, Республикадаги бадий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, тасвирий санъат соҳаси бўйича малакали мутахасис кадрлар тайёрлаш борасида, уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек иқтидорли, ижодкор мутахасис кўникмаларини ўзида намоён этувчи ва шу соҳага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналишини топишда, айниқса, бадий асарлар яратиш ва асар мазмун моҳиятини юқори даражада бадий образлар



орқали етказа оладиган, малакали кадрлар тайёрлаш хозирги кундаги турган буюк мақсадларимиздан бири "Рангтасвир" фани орқали бўлғуси мутахасис нафақат тасвирий санъат асарларини чизиш ёки уларни ранглар билан ифода этиш, балки асарлардаги рангларнинг уйғунлигига ҳамда иссиқ-совуқ рангларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида ҳам тушунча бериб боради. Мутахасис бу билан бирон бир асар устида ишлаш жараёнида ҳар хил ранглар аралашмасидан хосил бўлган ранг турларини яратиш ва уни ҳис қилиш қобилиятини ҳам ривожлантириб боради. Рангтасвир нафақат тасвирий санъат турларидан биридир, балки шу билан бир қаторда у тасвирий санъатнинг ҳамма турлари учун асос ҳамда бадий маҳорат гарови ҳамдир. У бўлғуси мутахасис учун тасвирий санъат ғояларини ифода этишда кенг имкониятлар ва эркинликлар туғдиради. Рангтасвир фани тасвирий санъатнинг барча мутахасисликлари учун энг асосий ўринларда бўлиб, у бадий тасвирлаш маданиятига эга бўлган, реализм анъаналарига содиқ бўлган кичик мутахасис - шахсини шакллантириш мақсадларини кўзлайди.

“Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонпарвар бўлиб камол топиш, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз”. “Мамалакатимиз президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амлга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонни тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида жадал ривожланишнинг илмий-назарий, амалий-конструктив



асосларини белгилаб берадиган, тараққиётнинг янги даври учун мўлжалланган муҳим дастуриламалдир, десак, айти ҳақиқат бўлади”.

Талабаларни бадиий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бадиий дидларини юксалтириш, табиат қўйнида санъат асарлари яратиш, тасвирий санъат асарларини кўриш ва тушуниш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Шунингдек, талабаларга, бўлажак рассом-педагогларга кўриб-кузатиб, таҳлил қилиб тўғри тасвирлаш, атроф-муҳитни, борлиқни идрок этиш, ранг сезиш, рангтасвир асарларини яратиш малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Реалистик рангтасвир ишлаш санъати борлиқни ҳаққоний образларда ифода этиш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Рангтасвир, Қаламтасвир, ўқув амалиёти очик ҳавода пленэр шароити машғулотларида талабалар манзара композициясида ижод этишга ўргатиш методикасини шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Рангтасвир, ўқув амалиёти очик ҳавода пленэр шароити машғулотларида талабалар манзара композициясида ижодий қобилиятларини ривожлантиришда замонавий инновацион технологияларидан фойдаланиб ўқитиш, талабаларнинг бу фанни ўзлаштириш даражаси ошади. Масалан:

-ўқитиш жараёнида компьютер ва педагогик технологиялар уйғунликда олиб борилса;

- ўқув амалиёти очик ҳавода расм чизиш (пленэр)да дастурий-педагогик воситалар ишлаб чиқилса;

-анимация ва мультимедиадан фойдаланилса (чизиқларни чизиш йўналишлари бўйича ҳаракатлантирилса, овозли эффектлар қўлланилса);

-махорат дарсларини (мастер клас) ташкиллаштирилса;

-эскиз, ранглавха қисқа муддатли тасвирларни объектни ўзига қараб ишланса.

Талабалар рангтасвирда ранг муносабатларини жуда пухта билишлари муҳимдир. Шунинг билан реалистик рангтасвирнинг назарий асосларини ўзлаштириш ва айти пайтда амалий машқ қилиш натижасида самарали расм



ишлаш йўлларини ўрганиш мумкин. Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиши ва тарқалиши муаммоси қадимдан олим ва рассомларнинг диққатини тортган. Машҳур олимлар Ньютон, Ломоносов Гельмгольцлар рангларнинг моҳиятини илмий асосларда текширганлар. М.В.Ломоносов фанда биринчи бўлиб асосий рангларни кашф этган. И.Ньютон қатор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғликни кўп ранг эканлигини исботлаган. Экранда спектр рангларини ҳосил қилган. Бунинг учун Ньютон қуёш нуруни қора парданинг кичик тирқишидан ўтказиб унинг йўлига уч қиррали призма қўйган, натижада экранда ҳар хил ранглардан иборат кенг ёруғлик йигиндиси ҳосил бўлган. Экранда спектр ранглари пайдо бўлиб, улар қуйидагича жойлашган: қизил, сариқ, заргалдоқ, яшил, зангори, ҳаворанг ва бинафша ранглар.

XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л.Гельмгольц рангшунослик назариясида муҳим янгилик яратди. Кўп йиллик тажрибалар асосида хроматик рангларнинг учта асосий аломати - ранг туси, рангнинг оч тўқлиги ва тўйянганлиги асосида туркумлаш кераклигини кўрсатди.

Бирор хроматик ранга очроқ кулранг қўшсак, унинг жозибалилиги пасайиб, нурсизланади. Бу ҳол рангнинг кам тўйянганлигидан, яъни унинг таркибида бўёқнинг камайганлигидан дарак беради. Демак, рангнинг тўйянганлиги ёки тўйинмаганлиги деганда унинг кул рангга нисбатан рангдорлик даражаси, тозаллигини тушиниш керак, Ранг доираси икки тенг бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарралдоқ, саршш, сариқ ранглар, иккинчи ярмида эса ҳаво ранг, зангори кўк, бинафша ранглар жойлашади. Доиранинг биринчи ярмидагилар илиқ ранглар, иккинчи ярмидагилари эса совуқ ранглардир, Бундай номланишига сабаб қизил, сариқ ранглар оловни, қизиган темирни, чўши эслатса, ҳаво ранг, зангори, яшиллар эса музни, сувнинг рангини эслатади.

Иккита спектр ранга устма-уст туширилса, ранглар бир-бирига қўшилиб мураккаб ранг ҳосил бўлади. Қизил ранг, ҳаво ранг ва бинафша ранглар билан қўшилганда чиройли тусдаги пушти, тўқ қизил, сафсар рангларни ҳосил



килади. Қўшилганда оқ ранг берадиган спектрли ранглар қўшимча ёки тўлдирувчи ранглар дейилади. Чунки улар оқ ранг ҳосил бўлгунга қадар бири-бирини тўлдиради. Бундай рангларга сариқ, ҳаво ранг, қизил, зангори, яшил ва бинафша ранглар киради. Бўёқларнинг қўшилиши билан спектрвий рангларнинг қўшилиши орасида фарқ бор, Учта асосий-спектровий ранг: қизил, яшил ва ҳаво ранг қўшилганда оқ ранг ҳосил бўлади. Асосий қизил, сариқ ва ҳаво ранг бўёқлари қўшилишидан эса қора ранг ҳосил бўлади. Спектрнинг сариқ ва ҳаво ранглари қўшилиши натижасида оқ ҳосил бўлади. Бироқ сариқ ва ҳаворанг бўёқларни аралаштирсак яшид ранг ҳосил бўлади.

Демак, иккита рангни оптик аралаштириш натижасида оқ ёки унга яқин ним кул ранг ҳосил қиладиган ранглар ўзаро тўлдирувчи /қўшимча/ ҳисобланади. Масалан тўқ қизил ва яшил, зангори ва заржалдоқ, қизил, сариқ, ҳаво ранг, сарриш яшил ва бинафша ранглар ўзаро тўлдирувчидир.

Тасвир билан чизилаётган нарса, ҳолат ўртасида тўла ўхшашлик бўлиши учун уларнинг ранг нисбатларида ҳам ўхшашлик бўлиши шарт. Тасвирий санъатда акварель бўёқлар билан ишлаш салмоқли ўринни эгаллайди. Акварель-рангтасвирнинг энг нозик турларидан бири. Қадимдан акварель ўзининг нафислиги ва рангларнинг ёрқинлиги билан кўпгина рассомларни қизиқтириб келган. Акварель лотинча сўз бўлиб «сув биляя суюлтириб ишлатиладиган бўёқлар» маъносини. англатади. Акварель таркибига бўёқ моддаси /ўсимлик ёки маъданларнинг майин қилиб янчилган кукуни/ ва бириктирувчи модда сифатида олча елими, глецирин ва озроқ асал киради. Булар ҳаммаси сувда осонгина эрийдиган бўлгани учун бўёққа сув қўшиб суюлтириб ишлатилади.

Акварелда оқ-ранг ишлатилмайди. Унинг ўрнини оқ қоғознинг ўзи ўтайди. ҚОҒОЗ оппоқ, етарли даражада қалин ва юзаси радир-будир бўлиши зарур. У агар жуда силлиқ бўлса, сатҳқад ранглар етарли даражада ётмайди. Нарса ва буюмлар тасвирларини бўяш жараёнида умумийдан хусусийга ёки аксинча хусусийдан умумийга қараб борилади, ниҳоят иш яхлитлаш билан яқунланади.



Россияда манзара жанрининг ривожланиши XVIII асрга тугри келади. Москва, Петербург архитектура ёдгорликлари Ф.Э. Алексеев томонидан маҳорат билан тасвирланган. Манзара санъати ташқи дунёнинг гўзаллигини акс эттириш билан инсонга ижобий таъсир этувчи кучга эга. Шунинг учун рассом табиат оламини энг нозик, типик ҳолатларини, ранг гармонияларини англаб, табиатга нисбатан бўлган эстетик муносабатини билдиради.

Манзара асарида инсон шахси, ақл заковатини, ички туйғуларини тасвир орқали кўшиқ қилиб куйлайди ва табиат образини яратади. Мисол тариқасида И. Левитаннинг «Олтин куз», «Абадий сокинлик узра», И. Шишкиннинг, «Ўрмон йироқликлари», В. Мешковнинг «Урал ҳақида ўйлар» асарларини келтириш мумкин. Тасвирий санъатдаги манзара жанрига оид асарлар инсонда табиатга мухаббат ва гўзаллик фазилатларини шакллантиради. Рассомлар тарихий ва маиший мавзудаги асарларда бевосита манзарага ҳам мурожат қиладилар, этюд, эскизлар ёзадилар. Бу ҳолда манзара картинада кўшимча фон вазифасини ўтайди.

Манзара рангтасвири — рангтасвир дастурининг керакли бўлими бўлиб, рассом-педагогларни тайёрлаш жараёнида муҳимдир. Табиат бениҳоя жозибали ва гўзалдир. Куёш нури ва атроф муҳит чексиз турли ранглارни ҳосил қилади.

Маълумки, тасвир ишлашни ранг воситасида ишлаш жараёнида атроф-муҳит ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Чунки чизилаётган объектга ёруғлик манбаи атрофдаги бошқа буюмларни таъсири кузатилади. Улар ўз ранги , туси билан ўзаро мувофиқ ёки номувофиқ бўлиши мумкин. Рассом ана шундай ўзгаришларни чуқур англаб, таҳлил қилиб, сўнг ифода этиши керак. Акс ҳолда тасвир жонсиз, таъсирсиз чиқиб қолади, ўрганаётганлар учун бундай ҳолатларни ҳисобга олиб тасвирлашда манзаралар жуда кўл келади. Чунки унда предметларда соя, шулалар, ранг тусларининг уйғинлиги ифодавийлиги яққол кўриниб туради. Улар тасвир шаклини, ёрқинлигини, яхлитлигини кўрсатишда хизмат қилади. Шуъла («блик») ва рангли шуъла («рефлекс манзарадаги барча



предметларда акс этиб туради. Чунки улар ёруғликни ютмайди, балки ёғдуланиб кайтаради. Нурни ўзида синдириб юборадиган сиртли нарсаларда акс шуълаларни баъзан сезиб қолиш қийинроқ болади. Аммо уларни талаба илғаб олишини ва тасвирлашни доимо машқ қилиши керак. Бунинг учун ҳар бир ўрганувчи ёш расом ўз билимини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини китоб қўлланмаларидан ўқиб, рангтасвир намуналарини музей ва кўрғазма залларида кўриши мумкин.

Мойбўёқда тасвирларни ишлаш расом учун ҳам, энди ўрганаётган талаба учун ҳам жуда қизиқарли машғулотдир. Аммо бу машғулотнинг жиддий қийинчиликлари ҳам мавжуд бўлиб, у мойбўёқ рангтасвир технологияси билан ҳам боғлиқ. Чунки мойбўёқ билан ишлаш маълум тайёргарликни талаб этади. Уларга бўёқларни танлаш, иш учун сатҳ (мато)ни тортиб тайёрлаш, уни қоплама (грунт) билан ёпиш, мўйқаламларни танлаш, эритгичларни танлаб олиш каби зарур тадбирларни киритиш мумкин. Мойбўёқ тасвирлар ишлашни ўрганиш натюрмортларни чизиб машқ қилиш орқали ўзлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мойбўёқли натюрморт рангтасвирини ишлаш жараёнининг айрим томонлари акварел техникасига ўхшаш. Чуки бунда ҳам аввал қаламтасвир чизиб олинади. Агар сувбўёқда ишлаш учун тасвир мукамалроқ, майда деталлари билан батафсил чизиб олинса, мойбўёқда ишлаш учун эса чизматасвир умумлаштирилиб энг асосий нарсалар акс этирилади. Бунинг сабаби мойбўёқда ишлаш жараёнида батафсиллик мўйқаламда ишланиши мумкинлигидандир. Мойбўёқда бирор рангни очлаштириш учун унга оқ ранг керакли даражада қўшилади. Шуниси ҳам борки оқ ранг қўшилгач бўёқнинг эркинлиги маълум даражада камаяди. Буни ўқув машқларини бажариш жараёнидаалбатта ҳисобгаолиш жоиз. Акварел техникаси каби жиҳатлардан бири иш жараёнини асосий узок муддатли вазифани бошлашдан аввал ранглавҳа, чизмалавҳалар ишлаб олинишидир. Шунда бўлажак рангтасвирнинг



асосий хусусиятларини тажриба қилиб кўриб ўрганиш асосий ишда уни қўллаш мумкин бўлади.

Мойбўёқ тасвирларини ишлаш учун махсус ашёлардан фойдаланилади. Улар ромга тортиб тайёрлаб, қоплама суртиб олинган (грунтланган) мато, мойбўёқларнинг керакли хиллари, бўёқтахта (политра), мўйқаламларнинг турлича катталиқдаги хиллари, мастихин ва эритгичлардан иборатдир.

Ромга тортилган мато қандай тайёрланганлиги тасвир сифатини белгилайдиган омиллардан биридир десак хато бўлмайди. Унинг қопламаси (грунти) икки хил тарзда тайёрланиши мумкин. Бири мойли қоплама бўлиб у қуйидагичадир. 5 фоизли элим (желатин, балиқ ёки дурадгорлик елими) аралашмаси шунга тенг ҳажмдаги бўрғақўшилади. У билан мато сатҳи қопланади. Бир марта суртилгандан сўнг қоплама бўёқ қатлами тайёрлаб олинади. У қуйидаги таркибда, яъни - махсус оқартирилган рангтасвир ёғи куруқ оқ бўёқ кукунидан қўшиб тайёрланган аралашма бўлади. Ёғ ва кукуннинг нисбати шундай бўлиш керакки у тайёр идишга солиб чиқариладиган мойбўёқдан суяқ бўлмасин. Шунда уни бемалол мато сатҳига мастихин билан текис қилиб суртиб чиқиш мумкин бўлади. 1-2 ҳафта қуритилгач ғадир-будир ерлари қумқоғоз билан яхшилаб текисланади ва скипидар аралаштирилган мойли қоплама ясси, катта мўйқалам (флейтс) билан текис қилиб бўяб чиқилади. Бундай усулда тайёрланадиган мато 2-3 ой мобайнида қуритилади. У сақланадиган жой илиқ ва қуруқ бўлиши шарт.

“Елимли қоплама” деб юритиладиган қопламанинг иккинчи хили қуйидагича тайёрланади. Сувда 50-60 гр. желатин эритилади ва унга 15 гр. глитсерин қўшилади. У матога 1-2 марта суртилади. Биринчи марта суртилгани қуригач қумқоғоз билан мато усти текисланиб олинади, сўнг иккинчиси суртилади. Шундан сўнг элим аралашмаси бўр ва оқ бўёқ кукун билан тенг нисбатларда 40 С даражали иссиқда эритилади. Агар унинг таркиби қуяқ бўлиб қолгудек бўлса, ўшаелим аралашмасидан қўшилади. Бундай қоплама 2-3 марта қаватма-



кават қилиб суртилади. Улар оралиғида кўриши учун маълум вақт бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқ билан бирга курагимиз –Т., “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз - Т., “Ўзбекистон” 2016 й., 14 бет.
3. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари-Т., Рисола, “Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2017 й., 3-70-71-72 бетлар.
4. Bulatov, C. S., & Jabbarov, R. R. (2010). Philosophical and psychological analysis of works of fine arts (monograph). Science and Technology Publishing House.
5. Nozimovich, T. N., Ibrahimovna, Y. N., & Ravshanovich, J. R. (2020). Development Of Student’s Creative Abilities In The Fine Arts In The Higher Education System. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(07), 232-238. DOI: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue07-30>
6. Muratov Khusan Kholmuratovich; Abdulkhamidov Sardor Mardanaqulovich; Jabbarov Rustam Ravshanovich; Khudaynazarova Ugiloy Sharifovna and Baymurzayeva Oyqaram Shodiyevna. Methodology of Improving Independent Learning Skills of Future Fine Art Teachers (On the Example of Still Life in Colorful Paintings). International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192. March 2020. Volume 24 – Issue 5. –pp. 2043-2048. <https://orcid.org/0000-0002-1485-4563>, <https://doi.org/10.37200/ijpr/v24i5/pr201880>
7. Khamidovich, T. N., Nozimovich, T. N., Ibrohimovna, Y. N., Ravshanovich, J. R., & Kholmuratovich, M. K. (2020). DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES THROUGH TEACHING.



<https://doi.org/10.31838/jcr.07.06.42> Journal of critical reviews, 7(6), 227-230.

<https://orcid.org/0000-0002-1485-4563>

8. Muratov Xusan Xolmuratovich, Jabbarov Rustam Ravshanovich AMALIY va BADIY bezaksan'ati. UO'K 76(075); KBK 85.15; M88 ISBN 978-9943-6383-4-1. 2020 yil.

